

*Коррупцияга ҳамда Монополияга қарши кураш
йўналишларида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва
талабларини Корхона тизимида амалга оширилган чора-
тадбирлар*

Комплеанс назорати бўйича
1-тоифали мутахассис
Г. Рустамов



Коррупцияга қарши кураш ҳамда рақобатни ривожлантириш масалалари бугунги куннинг асосий долзарб масаларидан бири бўлиб қолмоқда.



КОРРУПЦИЯ

Ушбу йўналишларда қатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари мавжуд бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш республика маркази” давлат унитар корхонасида ҳам бир нечта буйруқ ва фармойишлар қабул қилиниб амалий ишлар олиб борилмоқда.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR
VAZIRLIGI



Амалга оширилган тадбирлар натижалари бўйича йиллик ҳамда 1-чорак бўйича хисоботлар Корхона раҳбариятига ва Вазирликга тақдим этилди.

Жумладан, жорий 1-чорак давомида Коррупцияга ҳамда Монополияга қарши кураш йўналишларида Корхонада коррупцион ҳолатларни минималлаштириш мақсадида “ЎзТТБРМ” ДУКнинг вазифаларидан келиб чиқиб фаолияти ўрганиб чиқилди.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати тузилди ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича Дастур ишлаб чиқилиб чора-тадбирларни амалга ошириш режаси тасдиқланди.



Қайта алоқа

Бу ерда сиз тизим оператори фаолиятига оид шарҳ ва мулоҳазаларингизни қолдиришингиз мумкин.



Электрон манзилингиз


Мурожаат матни

Биз билан боғланиш >



✉ tmc@rtmc.uz ☎ (71) 240-27-72 ☎ (71) 240-54-19





Меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши шартлар киритилиб, мазкур шартлар билан қабул қилинаётган ходимлар меҳнат шартномасида таништириб борилмоқда. Шунингдек, ходимларни ишга қабул қилишда манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларни тўлдириш йўлга қўйилган. Манфаатлар тўқнашуви декларацияларини таҳлил қилиш натижасида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги аниқланмади.


Ишга қабул қилинувчи номзодларга нисбатан ўтказилган текширувлар тўғрисида хулосаларни расмийлаштириш ва уларнинг ҳисобини юритиш ишлари олиб борилмоқда.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда коррупцияга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантириш, уларнинг таъқибга олинмаслиги кафолати Корхонанинг 2021-йил 16- февралдаги 35-сон буйруғи билан таъминланган.



Корхонада коррупцион ҳолатларни минималлаштириш мақсадида, давлат корхона ва идоралари, ҳамда бошқа юридик шахсларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган шартномаларга коррупцияга қарши кураш бўйича талаблар киритиб борилмоқда.

Корхона фаолиятини барқарор амалга ошириш учун зарур бўлган жихозларни сотиб олиш жараёни “Рақобат тўғрисидаги” Қонун, Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомиллари асосида амалга оширилиб келинмоқда. 2023-йил 1-чорак давомида жами 49та хўжалик шартномалар тузилиб, 123та контрагентлар текширишдан ўтказилиб, ижобий хулосалар олинди.



20 июл 2022 йилдаги “ЎзТТБМ” ДУКнинг Харид қилиш тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 202-сонли, 10 август 2022 йилдаги Коррупцияга қарши кураш йўналишидаги ички ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги” 215-сонли, 2022 йил 08 июндаги “Корхонанинг ички меҳнат тартиби, Одоб-ахлоқ қоидалари, шунингдек, Одоб-ахлоқ, меҳнат низоси ва коррупцияга қарши курашиш комиссияси фаолияти” юзасидан тасдиқланган 150-сонли буйруқлари талабларига риоя этилиши ҳам назоратга олинган.





“ЎзТТБРМ” ДУК томонидан қабул қилинган ички ҳужжатлар, ходимлар томонидан хизмат ва хизматдан ташқари вақтда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиш, ҳамда хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан, масъулият билан бажарилиши таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг ҳамда Корхонанинг барча соҳавий фармойиш ва буйруқларида белгиланган талаблар раҳбар ва ходимларнинг хизмат фаолиятида маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик ҳолатларига йўл қўймаслик, манфаатлар тўқнашуви ҳақида зудлик билан раҳбариятга хабар бериш, хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариш, ўзига ёки ҳамкасбларига нисбатан жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга ундаб қилинган ҳар қандай мурожаат ҳақида зудлик билан раҳбарга ҳамда комплаенс назорати бўйича ходимга маълум қилиш, фаолияти давомида ножўя хатти-ҳаракатлар содир қилмаслик, хизмат вазифасига кирадиган ва иш фаолияти билан боғлиқ бўлган конфиденциал маълумотлар билан танишишга ваколати бўлмаган шахсларга ошкор этмасликга қаратилган.



Telegram



Корхона ходимларининг юқорида қайд этилган буйруқлар ҳамда Коррупцияга қарши кураш ҳамда Монополияга қарши комплаенс йўналишларида амалга оширилган ишлар юзасидан тайёрланган Хисоботлар ҳамда Коррупцияга қарши курашишга оид кўргазмали материаллар ва қисқа видеороликлар корxonанинг “ЎзТТБРМ” ДУК расмий web-сайтлари, Telegram каналида, Facebook ва Instagram саҳифаларида жойлаштирилиб борилди.

Таъкидлаш жоизки, Корхона ходимларининг билимларини ошириш, ҳамда олиб борилган тарғибот ишлари натижалари ҳам ушбу сайтларга жойлаштирилган.



Бугунги мулоқотимиздан фойдаланиб, қуйида келтирилган хатти-харакатларни содир этган рахбар ва ходимлар интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликга тортилиши мумкинлиги хақида огохлантириб ўтмоқчиман.

Жумладан, Бюджет ҳамда Корхона маблағларини талон-торож қилиш ва смета-штат интизомини бузиш, ўзлаштириш, фирибгарлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, мансабга совуққонлик билан қараш, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш;

- ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш каби хатти-ҳаракатларни содир этиш;
- Корхона маблағларини таниш билишчилик ёки таъмагирлик орқали моддий манфаатдорлик эвазига тақсимлаш, иш ҳақлари, моддий ёрдам, хизмат сафари, таътил, рағбатлантириш ва мукофот пулларини қасддан нотўғри ҳисоблаш;
- Корхонанинг асосий воситаларини ҳисобини қасддан олиб бормаслик ва асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш, белгиланган вақтда инвентаризация ўтказилмаслиги оқибатида инвентарлар камомадига йўл қўйиш;
- - ижарачилар билан уларнинг ижара ҳудудида фойдаланадиган коммунал хизмат турлари (электр, газ, сув, иссиқлик тизими ва ҳ.) бўйича шартномаларни қасддан тузмасдан ёки уларни фойдаланган коммунал хизмат турлари бўйича аниқ ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўймаслиги натижасида Корхонага зарар етказиш, асосий воситалар ва инвентарларни чиқим қилишда белгиланган тартибга риоя қилмасдан уларни асоссиз чиқим қилиш орқали бюджет ёки Корхона маблағларини ўзлаштиришга қаратилган ҳаракатлар шулар жумласидандир.

Коррупцияга ҳамда Рақобат тўғрисидаги Қонун талабларини бузишга оид жиноий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бир қатор моддалари орқали жазолар белгиланган.

Жумладан:

- 167-модда “Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш”;
- 168-модда “Фирибгарлик”;
- 179-модда “Сохта тадбиркорлик”;
- 180-модда “Сохта банкротлик”;
- 182-модда “Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш”;
- 184-модда “Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш”;
- 205-модда “Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш”;
- 206-модда “Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш”;
- 209-модда “Мансаб сохтакорлиги”;
- 210-модда “Пора олиш”;
- 211-модда “Пора бериш”;
- 212-модда “Пора олиш – беришда воситачилик қилиш”;
- 214-модда “Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш”;
- 243-модда “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш”;
- 246-модда “Контрабанда”.

Эътиборингиз учун раҳмат!